

НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИ

Икромжон Исмаилов

*Наманган муҳандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
93-9164242, ikromjon4242@gmail.com*

Аннотация

Ушбу мақолада республика жумладан Фарғона водийси вилоятларида нодавлат олий таълим муассасаларининг ривожланиши ва соҳада амалга оширилган ислоҳотлар меъёрий ҳужжатлар ва илмий адабиётлар асосида ўрганилган.

Калит сўз: олий таълим, нодавлат олий таълим, таълим хизмати, лицензия, қарор, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, университет

Жаҳонда бозор муносабатлари ривожлана борган сари давлат олий ўқув юртлари билан биргаликда нодавлат ўқув юртлари сони ҳам кўпаймоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, Ғарбий Европада талабаларнинг 10 фоизи, Шарқий Европада 40 фоизи, Япония, Жанубий Корея, Филлипинда 80 фоизи хусусий олий таълим муассасаларида таълим олмоқдалар[1]. Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб хусусий таълим муассасаларини фаолиятини йўлга қўйишга эътибор қаратилди. Жумладан, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш бўйича 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган эди[2].

Айнан дастурда белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратадиган бўлсак, жумладан 2017 йилгача республикада бирорта ҳам нодавлат олий таълим муассасаси ташкил қилинмади ва фаолият юритмади. Бунинг асосий сабаби хусусий олий ўқув юртларини ташкил этиш борасида аниқ қонунчилик базасининг мавжуд эмаслиги туфайли лицензия олишни сўраб Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат тест марказига қилинган мурожаатлар кўриб чиқилмасдан қолиб кетган[3]. Хусусий олий таълим хизматларини тартибга солувчи аниқ белгиланган қоидалар ва меъёрлар мавжуд бўлмаганлиги боис ушбу сектор хусусий таълим провайдерларини жалб қилмаган, бундай провайдерлар Малайзия, Хитой, Қатар ва БААда ривожланиб бормоқда[4].

Бундан ташқари ҳукумат томонидан бу соҳани ривожлантиришга эътибор қаратилмади. Яъни нодавлат таълим муассасаларини очиш истагида бўлган

тадбиркорларга шарт-шароит яратилмади ва уларни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилмади.

2017 йилдан бошлаб нодавлат олий таълим тизимини ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратила бошланди. Бу соҳани ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Хусусан, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилаётган таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини соддалаштириш орқали лицензия даъвогарларига қулай имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 241-сон қарори қабул қилинди[5]. Айнан ушбу қарорга асосан нодавлат таълим муассасаларига лицензия беришнинг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилиб, тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилди. Масалан, 2018 йилгача мавжуд бўлган тартибга кўра яъни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 100-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-бандига асосан нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга бериларди[6]. Юқорида келтирилган қарор билан тасдиқланган “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ни Низомнинг 4-бандига асосан нодавлат таълим хизматлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чекланмаган муддатга бериладиган бўлди[7]. Бу ўз навбатида шу соҳада фаолият юритмоқчи бўлган тадбиркорларга бир қатор қулайликлар яратади. Чунки, лицензияни қайта расмийлаштириш ёки муаддатини ўзайтириш каби масалалар ортиқча вақт, қўшимча сарф-ҳаражатни талаб қилар эди. Бундан ташқари лицензия олиш учун аризаларни топшириш, уларни кўриб чиқиш, шунингдек, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган талабгорларга солиқ имтиёзларини берилиши айнан соҳа ривожига сабаб бўлган асосий омиллардан бири бўлди. Яъни, 2017 йилгача республикада ёшларга олий таълим бериш билан шуғулланувчи нодавлат олий таълим муассасаси мавжуд бўлмаган бўлса, кейинги 3 йилда мамлакатда 9 та нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди. Шулардан 2 таси Фарғона вилоятида жойлашган бўлиб, республикада биринчилардан бўлиб ташкил этилган нодавлат олий таълим муассасаларидир. Буларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2019 йил 17 августдаги “Қўқон университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 683-сон Қарорига[8] асосан ташкил этилган Қўқон университети ва юқорида келтириб ўтилган Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университетини мисол келтириш мумкин. Айнан республикада бўлгани каби Фарғона водийси вилоятларида ҳам нодавлат хорижий олий таълим муассасалари олий маълумотли кадрлар тайёрлаш жараёнида иштирок этмоқда. Бу ўз навбатида ёшларни олий таълим муассасаларига қамровининг ортишига ҳизмат қилиш билан бирга давлат, хусусий ва хорижий ОТМлар филиаллари ўртасидаги рақобатни кучайтиради[9].

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айнан шу масалани ижобий ҳал қилиниши ва тўғри йўлга қўйилиши ҳам республика олий таълим муассасаларининг ҳар тарафлама ривожланишига катта ҳисса қўшади. Яъни нафақат республика ёшларини хорижда, шунингдек республикада ташкил этилган чет эл олий ўқув юртларида тахсил олишларига кўмаклашиш балки, хорижлик талабаларни Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида таълим олишлари учун кенг имкониятлар яратиш билан боғлиқдир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Муфтайдинов Қ, Режапов Х. Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни ривожлантириш йўналишлари. Сон: №6(90)-2015. <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/31724-oliy-talim-tizimida-kadrlar-tayyorlash> 11.01. 2020
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. <https://www.lex.uz/docs/48401>. Хужжат кучини йўқотган 24.09.2020
3. Муфтайдинов Қ, Режапов. Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни ривожлантириш йўналишлари. Сон: №6(90)-2015. <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/31724-oliy-talim-tizimida-kadrlar-tayyorlash> 11.01. 2020
4. Узбекистан Модернизация системы высшего образования. 2014 июн. Отчет № 88606-UZ. Документ Всемирного банка 59-бет (<http://documents1.worldbank.org/curated/en/737161501483080910/pdf/88606-28-7-2017-14-44-29-UzbekistanHigherEducationReportru.pdf>)
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 241-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3601227>
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 100-сон қарори <https://lex.uz/docs/1129603> (Хужжат кучини йўқотган 01.04.2018)
7. “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низом. <https://lex.uz/docs/3601227>
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги “Қўқон университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 683-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4477887>
9. Маърифат. 2021 й. 10 феврал. №6